

Янги Зеландия Бош вазири фожеани "Террорчилик ҳужуми" деб атади




16:00 / 15.03.2019 2295

Бугун Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳридаги масжидларга уюштирилган ҳужумлар дунё ҳамжамиятининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Икки масжидга уюштирилган ҳужум оқибатида 49 нафар киши ҳалок бўлган, деб хабар бермоқда BBC.

Яраланганлар сони эса 30 дан ортиқ. Мамлакат Бош вазири Жасинда Ардерн фожеани "террорчилик ҳужуми" деб баҳолаган. Бош вазир бугунги кунни мамлакат тарихидаги "энг қора кунларидан бири" деб айтган. Фожеа туфайли дунё давлатлари томонидан Янги Зеландия раҳбариятига ҳамдардликлар билидирлмоқда.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Крайстчерч шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Янги Зеландия генерал-губернатори Пэтси Реддига ҳамдардлик мактуби йўллади. Президент матбуот хизматининг [хабарига кўра](#), давлат раҳбари ҳалок бўлганларнинг яқинларига самимий таъзия ва ҳамдардлик билдириб, жароҳат олганларнинг тез фурсатда шифо топишларини тилади.

ВВС тарқатган хабарларга қараганда, ҳозирда ҳужумларга алоқадор дея гумон қилинган уч эркак ва бир аёл қўлга олинган. Аммо полиция мулозимига кўра, бошқа гумондорлар яширинган бўлиши ҳам мумкин. Полиция портловчи ускуналар ўрнатилган бир неча машиналарни тўхтатишган. Ҳозирга қадар қуролланган шахслар сони маълум эмас. Террор ҳаракатини уюштирганлар орасида бошқа давлат фуқаролари мавжудлиги ҳам айтилмоқда. Мамлакат полицияси жиноятчиларни топиш учун кенг кўламли қидирув ишларини олиб бормоқда.







Islom.uz портали таҳририяти